

**ТОЖИБОЕВА Дилором,**Тошкент молия институти «Касбий таълим»  
кафедраси иқтисод фанлари номзоди,  
профессор

# ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЁНДАШУВЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА ФАРҚЛАРИ (2-МАҚОЛА)

УДК 330.101

---

## **ТОЖИБОЕВА Д. ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЁНДАШУВЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА ФАРҚЛАРИ (2- МАҚОЛА)**

Мақоланинг иккинчи қисмида классик ва неоклассик назарияда эътибор берилмаган, лекин ҳаётда реал самарадорлик даражасини белгиловчи трансакцион харажатлар ҳамда иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда инсон тараққиёти моделига диққат қаратилган. Муаллиф тадқиқот асосида тузган концептуал жадвал орқали иқтисодий назариянинг асосий йўналишларининг фарқлари, шунингдек, аграр соҳанинг бошқа тармоқлардан алоҳида ажралиб туришини кўрсатиб берган.

Таянч иборалар: трансакцион харажатлар, ички трансакцион харажатлар, бозор трансакцион харажатлари, сиёсий-ижтимоий-иқтисодий даражада трансакцион харажатлар, классик назария, неоклассик назария, неоинституционал назария.

---

## **ТОЖИБОЕВА Д. КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ И РАЗЛИЧИЯ ПОДХОДОВ К ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ (2-Я СТАТЬЯ)**

Во второй части статьи, автор уделяет особое внимание на трансакционные издержки, и обосновывает их влияние на реальную эффективность в жизни, также при изучении экономической эффективности на модель человеческого развития. Автор по концептуальной таблице, составленной на основе исследования показывает различия подходов к экономической эффективности, также особое отличие аграрного сектора от других отраслей.

Ключевые слова: трансакционные издержки, внутренние трансакционные затраты, рыночные трансакционные затраты, политические трансакционные издержки, классическая теория, неоклассическая теория, теория неоинституционализма.

---

## **TOJIBAeva D. CONCEPTUAL BASES AND DIFFERENCES OF THE APPROACHES TO ECONOMIC EFFICIENCY (2-ND ARTICLE)**

In the second part of the article, the author pays special attention to the transaction costs, and justifies their influence on the real efficiency in life, as well as on the human model, on the study of economic efficiency. There is shown the differences in approaches to economic efficiency, as well as the particular difference of the agricultural sector from other industries on the conceptual table, compiled on the basis of the study.

Keywords: transaction costs, internal transaction costs, market transaction costs, political transaction costs, classical theory, neoclassical theory, neoinstitutional theory.

**КИРИШ**

Иқтисодий самарадорликка ёндашувларнинг умумий жиҳатлари ва фарқларини аниқлаш учун уларни таққослаш зарур. Таққослаш учун эса масаланинг мазмун-моҳияти ва натижасини ифодаловчи мезонлар танлаш зарур. Биз тадқиқотимиз асосида айнан қуйидаги мезонлар назариядаги асосий йўналишларнинг мазмун-моҳияти, умумий томонлари ва асосий фарқларини очиб бера олади, деган нуқтаи назардан уларни танладик. Булар классик, неоклассик, неоинституционал мактабларнинг ўз олдига қўйган бош мақсадлари, масалага ёндашувлари, мақсадга эришишдаги асосий чекловлар, ҳар бир илмий-назарий мактабнинг фундаментал концепцияси ва ундаги диққат қаратилган марказий муаммолар асос қилиб олинди. Сўнгра, самарадорликка ёндашув ҳамда унинг концептуал асослари, мулкчиликка, трансакцион харажатларга, иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда инсон моделига ёндашувдаги фарқлар, самарадорликни таъминлаш омиллари ҳамда бунда асосий диққат нимага қаратилиши таҳлил қилинади ва ана шу мезонлар асосида аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар белгилашда уларни ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатилади (1-концептуал жадвалга қаранг).

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Иқтисодий назарияда самарадорлик тушунчаси ва унинг иқтисодий кўрсаткичлар орқали ифодаланишига, математик-статистик методларни кенг қўллашга неоклассик мактаб вакиллари алоҳида диққат қаратишган. Бу ресурсларнинг чекланганлигини реал ҳаётда ҳис қилиш тобора кучайиб бораётгани зарурияти туфайли юз берган. Классик мактаб вакиллари эса кўпроқ меҳнат унумдорлиги, меҳнат тақсироти масалаларига диққат қаратишган.

Ҳозирги тараққиёт даражаси эса самарадорликка жамиятнинг бир бутун тизими нуқтаи назаридан қарашни талаб этади. Чунки бозор ўзини ўзи бошқаради, деган устун даражадаги либерал қарашларнинг даври ўтди. Лекин ҳозирча республикамиз олимлари томонидан шундай, яъни неоинституционал ёндашув асосида олиб борилаётган тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги, айниқса аграр соҳанинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилмагани унинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг қўйилиши.** Классик ва неоклассик мактабларда мулкчилик ва рақобат самарадорликнинг концептуал асоси сифатида кўрилади. Неоинституционал назарияда-чи? Бу саволга жавоб

олмасдан, замонавий иқтисодиётни институционал ривожлантириш масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

**Тадқиқот мақсади.** Иқтисодий самарадорликка неоинституционал ёндашувнинг концептуал асосларини классик, неоклассик ёндашувлардан муҳим фарқларини кўрсатиш. Аввалги мақолада барча йўналишлар учун умумий бўлган рақобат ва мулкчилик ҳақида ҳамда неоинституционал назариянинг классик ва неоклассик назариядан фарқи ҳақида тўхтаган эдик. Бу мақоламизда трансакцион харажатлар ва инсон моделига алоҳида эътибор берилишига диққат қаратилди.

**Тадқиқот методлари.** Герменевтика (талқин қилиш), қиёсий таҳлил, мантиқий, гуруҳлаш, концептуал жадвал, индукция, дедукция ва бошқа методлардан фойдаланилди.

**Асосий натижалар.** Самарадорликка неоинституционал ёндашувнинг муҳим концептуал асосларидан бўлган мулк ҳуқуқи билан бир қаторда турадиган категория – трансакцион харажатлардир.<sup>1</sup>

Классик ва неоклассик назарияда унга аҳамият берилмайди. Унинг машҳур вакилларида О.Уильямсоннинг фикрига кўра, неоинституционал назарияда неоклассикларга ўхшаб энг аввало технологик омилларга эмас, балки **иқтисодий агентларнинг биргаликда фаолият юритишлари учун зарур бўлган муносабатларни ўрнатиш учун зарур харажатларга** эътибор берилади.

Неоинституционал назариянинг машҳур намоёндаларидан Р.Коуз томонидан илмий муомалага трансакцион харажатларнинг киритилиши иқтисодий таҳлил имкониятларини анчагина кенгайтди, унумини оширди ва реал ҳаётда юз бераётган муаммоларни ечишга олиб келди. Бу ҳақда Коузнинг ўзи шундай ёзади: «Фирмалар табиати»нинг чоп этилиши билан энг муҳим натижа иқтисодий фан учун ҳозирги замон иқтисодиётида фирмаларнинг аҳамиятига диққат қаратилди, деб ўйлаш хато бўлар эди. Мен ўйлайманки, ҳар қандай шароитда ҳам бундай натижага етиб келинарди. Менинг фикримча, келажакда бу мақоланинг иқтисодий фанга қўшган муҳим ҳиссаси иқтисодий таҳлилга трансакцион харажатларни қўшиш ҳисобланади».

Дастлаб трансакцион харажатлар Р.Коуз томонидан «баҳо механизmidан фойдаланиш харажат-

<sup>1</sup> Трансакцион (инг. transaction: trans – ўзаро, action – ҳаракат) – ўзаро ҳаракат, муносабат харажатлари.

лари»<sup>1</sup> сифатида кўрсатилган. Ҳар қандай битим, яъни бозор трансакцияси ахборот йиғиш, музокаралар олиб бориш, ўртадаги келишмовчиликларни бартараф қилиш, муносабатларни йўлга қўйиш, назорат қилиш, мувофиқ равишда вақт ва моддий ресурслар харажатини талаб қилади.

Трансакцион харажатларни **уч даражада** кўриш керак: **хўжалик ичида, бозор миқёсида** ва **ижтимоий-сиёсий-иқтисодий**, бошқача айтганда макродаражада қарорлар қабул қилиш соҳасида. Шунингдек, улар уч турга ажратилади: савдо битими харажатлари, бошқарув харажатлари ва мукаммаллаштириш харажатлари. Шу билан бирга, уларнинг бир-бирига уланиб кетишини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳар бир усули, мулкчиликнинг ҳар бир шакли, иқтисодий ташкилотларнинг ҳар бир тури ўзининг трансакцион харажатлари йиғиндисига эга. **Ички трансакцион харажатлар** хўжалик доирасида сарфланадиган харажатларни ўз ичига олади. Харажатларнинг бу гуруҳига хўжаликни бошқариш, ишловчиларнинг мониторинги, маҳсулотни сотиш ва бошқалар киритилади. Булар бозор трансакцион харажатлари билан тутшиб кетади. Айнан улар хўжалик юритувчи субъектнинг яшовчанлиги ва самаралилигини белгилайди. Охир-оқибат улар орасидан қайси бирлари трансакцион харажатларни тежашга олиб келса, шулар сақланиб қолади ва ривожланади.

Иккинчи даражадагини бозор билан боғлиқ трансакцион харажатлар ташкил этади. **Бозорда трансакцион харажатлар** бозор муносабатларига киришишда, мулк ҳуқуқини айирбошлашда турли тўсиқларни енгиш заруратидан келиб чиқади.

Иқтисодий адабиётларда одатда трансакцион харажатларнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади<sup>2</sup>: ахборотларни излаш харажатлари; битим тузиш учун музокаралар олиб бориш харажатлари; ўлчов харажатлари; мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш харажатлари; шартнома тузиш ва уни бажариш билан боғлиқ харажатлар; оппортунистик хулқ-атвор, саъй-ҳаракат, мониторинг ўтказиш билан боғлиқ харажатлар. Иқтисодий назарияда оппортунистик саъй-ҳаракат тушунчаси О. Уильям-

сон томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, унинг фикрича, оппортунизм - ўз манфаатларини кўзлаб, ташкилотнинг манфаатларини реализация қилишга тўсқинлик қилиш: ахборотни яшириш, алдаш, хийла билан тўғри йўлдан уриш, сўзида турмаслик, мунофиқлик, хоинлик қилиш даражасигача етиш (self-interest-seeking-with-guile), шантаж кабилар тушунилади.<sup>3</sup> Бу харажатлар нафақат бозор, балки ички трансакцион харажатларда ҳам муҳим ўрин тутди.

**Сиёсий-ижтимоий-иқтисодий даражада** трансакцион харажатларнинг мавжуд бўлиши аҳолининг ўз мақсадига эришиш, манфаатларини реализация қилиш учун давлат институтларидан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади.

Бу даражадаги трансакцион харажатлар:

- 1) тизимнинг расмий ва норасмий сиёсий ташкилотларини яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ўзгартириш харажатлари;
- 2) давлат қурилишини ушлаб туриш харажатларини ўз ичига олади;
- 3) мукаммаллаштириш харажатлари ҳам кўпроқ шу гуруҳга мансуб.

Мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида қатнашиш маълум бир сиёсий тизим таркиби – партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фракциялар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва бошқаларни шакллантириш ва бошқалар ўз навбатида харажатларни талаб қилади. Ана шу сарфлар сиёсий-ижтимоий-иқтисодий даражадаги трансакцион харажатларни ташкил этади.

«Сиёсатда, - деб ёзади Нобель мукофоти номзоди Ж. Бьюкенен, - индивидлар ўртасида айирбошлашнинг мураккаб тизими мавжуд, чунки жамоада ҳар бири ўзининг хусусий мақсадига етишни кўзлайди, сабаби, бозор орқали, оддий алмашув орқали уни амалга ошириб бўлмайди. Бу ерда индивидуал манфаатлардан бошқа манфаатлар йўқ. Бозорда одамлар олмани апельсинга алмаштирадилар, сиёсатда бўлса – ҳаммага ва ҳар бир кишига зарур бўлган неъматлар: маҳаллий ўт ўчиришдан тортиб судгача бўлган хизматлардан фойдаланиш учун солиқ тўлашга рози бўлишади.<sup>4</sup>

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг институционал таркиби объектив равишда давлатнинг

<sup>1</sup> Природы фирмы. Пер. с англ. – М.: «Дело», 2001. -С. 37.

<sup>2</sup> Трансакцион харажатлар муаллифнинг «Молия» журналида чоп этилган мақоласида батафсил берилган. Трансакцион харажатлар, уларнинг таркиби, тутган ўрни ва хўжалик юритиш самарадорлиги. // «Молия», 2012, 1-сон. -63-68-б.

<sup>3</sup> Уильямсон О. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, «отношенческая контракция». – СПб.: Лениздат, CEV Press, 1996. -С. 689.

<sup>4</sup> Бьюкенен Дж. Избранные труды. Серия: «Нобелевские лауреаты по экономике». Т. I. - М.: «Таурис Альфа», 1997. -С. 23.

фаолияти (экзоген ўзгаришлар) натижасида ҳамда ички омиллар (эндоген ўзгаришлар) таъсири туфайли эволюцион ўзгаришлардан ташкил топади. Институционал тараққиётнинг траекторияси эса ҳал қилувчи даражада «жамиятнинг аввалги барча институционал тарихи билан» белгилаб қўйилган.<sup>1</sup>

Жамиятдаги эски расмий ва норасмий қоидаларнинг тугатилиши ва янгиларининг белгиланишига олиб келувчи ўзгаришлар трансакцион харажатларнинг ошишига сабаб бўлади. Республика-мизда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартириш, янги қонунчилик тизимини барпо этиш, бозор тизимларини шакллантириш ва шу каби бошқа институтларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради.

Яна бир муҳим жиҳат классик, неоклассик назариядан шундай таассурот қоладики, жамиятдаги турли-туман институтлар иқтисодий жараёнларда катта роль ўйнамайди. Сиёсий, юридик, молиявий институтлар борлиги, иқтисодий тизимнинг ишлаши учун институтлар, институционал муҳит, институционал таркиб талаб этилиши тан олинади, лекин уларнинг иқтисодий натижалар, самарадорликка таъсири тан олинмайди.

Натижада қатор ҳолатлар, чунончи, самарадорликни баҳолаганда ва унинг асосида қарор қабул қилишда: 1) ташқи (экзоген) эффектлар, яъни талофот кўрган томонга одатда талофот келтирувчи томондан компенсация қилинмайдиган харажатлар тўлиқ ҳисобга олинмайди; 2) табиат ва унинг таъсири туфайли яратилган маҳсулот қиймати баҳоланмагани ёки унинг кескин даражада пасайтириб юборилгани ҳам ҳисобга олинмайди.

Институтларнинг социал-иқтисодий тараққиётга таъсирининг муҳим ричаги трансакцион харажатлардир. Чунки иқтисодий тизим ҳуқуқ, қонун-қоидалар мажмуаси бўлиб, уларни амалга ошириш харажатлар билан боғлиқ. Айнан шу харажатлар трансакцион харажатларни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бизнингча, трансакцион харажатларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос индикатори сифатида қараш мумкин. Самарадорлик даражаси нафақат ишлаб чиқариш харажатлари, балки трансакцион харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўлчаниши лозим.

Трансакцион харажатларни тўғридан-тўғри ўлчаш қийин, лекин бозорда баҳолаш мумкин бўлган қисмини трансакцион хизматлар қиймати сифатида таҳлил қилишимиз мумкин. Ҳозирча иқтисодий фанда трансакцион хизматларни ўлчаш учун аниқ мезон йўқ, шунинг учун улар шартли равишда ўлчанади. Шу туфайли товар-пул шаклини олмаган банклар фаолияти, суғурта ташкилотлари, харажатларни қоплай олмайдиган даражада нарх белгиланган хизматларни баҳолаш муаммоси турли социал-иқтисодий тизимларда турлича ечилмоқда. Харажатларни минималлаштириш кўп жиҳатдан инновацион техника ва технологияларни жорий қилиш, мувофиқ равишда малакали мутахассис кадрларни жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Трансакцион харажатларининг кўпгина турлари бевосита кузатилмайди ва шунинг учун бу тоифадаги харажатлар ҳажмини статистик жиҳатдан ўлчаш қийин, лекин бухгалтерия ҳисобида акс этадиганлари асосида уларни самарадорлиги тенденциясини аниқласа бўлади. Шу билан бирга ҳеч қайси институт мутлақ афзалликка эга эмас. Бу ерда гап фақат қиёсий афзаллик ҳақида боради. Турли иқтисодий институтлар, хўжалик юритиш шакли ва методлари бир-бирини тўлдирди. Масалан, бозор институтлари мониторинг харажатлари, оппортунистик саъй-ҳаракатларни чеклаш учун харажатлар, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ахборот харажатларини тежашга имкон яратади. Фирмалар эса музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш харажатларини тежашга ундайдилар.

Амалда иқтисодий фаолиятнинг жуда кўп турлари турли тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган, акс ҳолда улар ниҳоятда юқори трансакцион харажатлар ёки трансакцион харажатларнинг шунчалик тушиб кетишига олиб келардики, индивидлар эркин равишда битим тузиш ва Ф.Хайек тили билан айтганда «чуқур ихтисослаштирилган билим» устунликларидан фойдаланишлари мумкин бўлиб қоларди»<sup>2</sup>.

Институционал тизимнинг экзоген ўзгаришлари икки йўл билан амалга ошиши мумкин. **Биринчидан**, институтлар импорти ва уларни мавжуд «мамлакатнинг» институтлар тизимига киритиш орқали. Ўзбекистонда ўтказилган бозор ислохотлари бунга

<sup>1</sup> Нестеренко А.М. Экономика и институциональная теория. / Отв. ред. акад. Л.И. Абалкин. - М.: Эдиториал УРСС, 2002. -С. 352.

<sup>2</sup> Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган. \*Бу ерда талабнинг чеклангани; а) ресурсларнинг чекланганлиги; б) билим, маҳоратнинг чекланганлиги, институционал таркиб туфайли чекланганлик ва табиат, табиий қонунлар амал қилиши туфайли чекланганлик ҳамда унинг бошқа чекловларга таъсири назарда тутилади.



мисол бўла олади. Бунда бошқа мамлакатлар тажрибасидан маълум бир даражада фойдаланилди ва Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда мослаштирилди.

**Иккинчидан**, аниқ мақсадга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилган моделга мувофиқ янги институтларни шакллантириш. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг «ўзбек модели»га биноан институционал ўзгаришлар амалга оширилгани, аграр соҳада хўжалик юритиш шаклларини ўзгартириш, ҳозирги кундаги амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Маълумки, иқтисодий назария хўжалик юритиш жараёнларини ўзаро боғлиқ икки томондан ўрганади: 1) объектив, яъни инсоннинг хоҳиш, иродаси, онгига боғлиқ бўлмаган; 2) субъектив, инсонларнинг индивидуал ва оммавий психологияси, ўзини тутиши, саъй-ҳаракати, танлови билан боғлиқ. Хўжалик юритиш фаолиятини аниққса, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий психологиясиз тасаввур қилиш қийин. Чунки ҳар бир танловга инсонлар ўз тафаккури, манфаатларидан келиб чиқиб киришадилар. Натижада уларнинг саъй-ҳаракатлари, танловларида маълум бир психологик қонунлар намоён бўлади. Шунинг учун иқтисодиётдаги тенденцияларни аниқлаш учун хўжалик юритиш фаолияти ҳар томонлама ўрганилиши, объектив иқтисодий қонунлар билан биргаликда субъектив-психологик қонунлар ва уларнинг таъсирини ҳам ўрганиш зарур.

Психология одамнинг онги, иродаси, хоҳиш, эҳтиёжлари ва бошқа хислатлари билан боғлиқ руҳий ҳолатини ифодалайди. Ҳаётининг асосий қисмининг ярмидан кўп вақтини хўжалик фаолиятига бағишлайди. Шунинг учун уларда алоҳида иқтисодий психология шаклланади. Унга иқтисодий тафаккур ва фикр юритиш, хўжалик фаолияти билан шуғулланишнинг мотиви, иқтисодий манфаат кабилар киради. Айнан улар кишиларнинг моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилишларини белгилайди (уни психологик жиҳатдан алоҳида ўрганиш зарур).

Ресурсларни қандай ишлатиш ҳақида инсон қарор чиқарар экан, демак, ана шу қарор тўғри бўлиши, турли вариантлардан энг тўғрисини танлаши лозим. Бунинг учун у иқтисодий фикрлаш, ақл билан қарор қабул қилишни ўрганиши зарур. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни ўрганишда инсон моделига аҳамият бериш классик назария А.Смит-

дан бошланган. XIX асрнинг охиридан бошлаб эса «иқтисодий фикрловчи одам (homo economicus)»-нинг саъй-ҳаракати, танлови, субъектив мотивларга алоҳида диққат қаратила бошланди. Айниқса, неоинституционал назария вакиллари алоҳида эътибор беришади. Демак, инсоннинг қандай қарор қабул қилиши, бунда у ўз манфаатлари нуқтаи назаридан масалага қандай ёндашиши катта аҳамиятга эга.

Неоинституционал йўналиш вакилларининг фикрича, рационаллик чекланган, чунки хўжалик юритиш жараёнида қарор қабул қилиш учун ахборотлар етарли эмас. Бунда турли қийинчиликлар туфайли зарур ахборотларни тўплай олмаслик, етарли даражада таҳлил қила олмаслик, қолаверса, инсоннинг билиш қобилияти, иқтидори даражаси имкон бермаслиги мумкин. Россиялик таниқли олим Р.М.Нуреевнинг фикрича, институционал таҳлил нисбатан реалликни объектив равишда баҳолайди. Замонавий жамиятда инсон одатда нораціонал, иқтисодиёт эса мувозанат ҳолатидан анча йироқ<sup>1</sup>.

Аграр сектор эса бу жиҳатдан ўзининг хусусиятлари билан бошқа тармоқлардан тамомила фарқ қилади. Бу, энг аввало, иқтисодий қонунларни табиат қонунлари билан чирмашиб кетиши, қишлоқ аҳолисининг психологик жиҳатдан шаҳардан фарқ қилишидир. Танловни амалга оширишга нафақат юридик тақиқлар, балки анъаналар, ахлоқий ва бошқа шунга ўхшаш тақиқлар ҳам катта таъсир қилади. Шунингдек, инсонлар саъй-ҳаракатига бошқа ноиқтисодий омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин. Улар кишилик жамияти тараққиёти билан ортиб боради. Неоинституционал назария вакилларининг фикрича, фақат шахсий фойда, нафлилик ҳақида эмас, балки ўзини-ўзи чеклаш, бошқаларга яхшилик қилиш мақсадида ўз манфаатларидан воз кечиш каби инсоний хислатлар туфайли индивиднинг танлови натижасига туб ўзгаришлар киритилиши мумкин. Биз бу фикрларга қўшиламыз.

## ХУЛОСАЛАР

Ишлаб чиқилган концептуал жадвал иқтисодий назариянинг асосий оқимларининг мазмун-моҳиятини англаш, уларни таҳлил қилиш ва таққослаш, хулоса чиқариш, рационал қарор қабул қилишга йўналтиради. Шунингдек, иқтисодий қонунларнинг

<sup>1</sup> Нуреев Р.М. Критика базовых предпосылок современных макроэкономических теорий. / Институциональная трансформация экономики: российский вектор новой индустриализации: материалы IV Международной научной конференции. - Омск. Издательство ОГУ, 2015. -С. 13.

1-концептуал жадвал. Иқтисодий назариянинг асосий йўналишлари ва уларнинг концептуал фарқлари.

Мезонлар	Классик йўналиш	Неоклассик	Неоинституционал	Аграр соҳа
1	2	3	4	5
Қўйилган мақсад	Бойликни кўпайтириш	Фойдани максималлаштириш	Фойдани кўпайтириш билан бирга реал самарадорликни аниқлаш ва унда институтлар, трансакцион харажатларнинг роли, фирмаларнинг вужудга келиши, ривожланиши, тугатилиши сабаблари ва бошқалар	Ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш. Аграр соҳанинг бошқа тармоқлардан туб фарқни мувофиқ равишда унинг институтлар, трансакцион харажатлар ва самарадорликда акс этиши
Масалага ёндашув	Меҳнат тақсими	Технологик ёндашув	Неоинституционал	Муаллиф қараши
Мақсадга эришишдаги чекловлар	Талабнинг чекланганлиги	а) ресурсларнинг чекланганлиги; б) билим, маҳоратнинг чекланганлиги	Институционал таркиб туфайли чекланганлик	Ва* табиат, табиий қонунлар амал қилиши туфайли чекланганлик ҳамда унинг бошқа чекловларга таъсири
Фундаментал концепция	Ишлаб чиқариш фақат бир технология асосида олиб борилади. Омилларнинг бир-бирини ўрнини босиш имкони йўқ.	Ишлаб чиқариш омилларни ўзаро бир-бирини алмаштириш имконига эга: $Y = f(a, 1, a_2, a_3, \dots, a_n)$ ; N:K:L оптимал нисбати ва ҳажмини белгилаш	Омилларни ўзаро бир-бирини алмаштириш, мулк ҳуқуқи тақсими, трансакцион харажатлар миқдори, ресурслар аллокациясини (тақсимланишини) тартибга солиш, бошқариш, бунда институтларнинг ролига диққат қаратиш	Бундан ташқари, ернинг ўрнини ҳеч қандай ресурс боса олмаслиги. Меҳнат мотивациясининг бошқа тармоқлардан тубдан фарқ қилиши. Норасмий институтлар, менталитет, психологик омиллар, «қундалик асос»нинг муҳим роль ўйнаши
Марказий муаммо	Нативавий маҳсулот тақсими	Оптималь ҳажм, фирма чегарасини аниқлаш, кўлам эвазига иқтисод қилиш самарасини аниқлаш	Мулк ҳуқуқини аниқ белгилаш, трансакцион харажатларни иқтисод қилиш	Нативавий маҳсулотни тақсимлаш. Ёлланма меҳнатнинг бошқа тармоқ ва соҳаларга қараганда кам самара бериши
Ҳўжалик юритишнинг асосий шакллари	Оддий кооперация, мануфактура, фабрика	Индивидуал, хусусий, корпоратив ва бошқа турдаги	Мулк ҳуқуқининг тақсимланиши ва трансакцион харажатларни иқтисод қилишнинг вариантларига кўра вужудга келган турли-туман фирмалар, ҳўжалик юритиш шакллари	Мулк ҳуқуқининг тақсимланиши ва трансакцион харажатларни иқтисод қилиш нуқтаи назаридан индивидуал-оилавий ҳўжалик ва унинг асосий шакллари: деҳқон ҳўжаликлари, фермер ҳўжаликлари, оилавий корпорациялар, кооперациялар
Самарадорликка ёндашув	Ресурслар, даромадларнинг тақсимланиши жиҳатидан	Бозор институти нуқтаи назаридан ёндашилади.	Социал-иқтисодий тизим нуқтаи назаридан ёндашилади	Социал-иқтисодий тизим ва аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан ёндашилади

Самарадорликнинг концептуал асослари	Ресурсларни оқилона тақсимлаш, манфаатдорлик, рақобат	Мулкчилик, манфаатдорлик, рақобат, рационал тақсимот, маржинал харажатлар	Рақобат, мулк ҳуқуқи дастаси, трансакцион харажатлар, институтлар	Рақобат, мулк ҳуқуқи дастаси, трансакцион харажатлар, табиий, биологик омиллар, институтлар, рационал тақсимот
Мулкчиликка ёндашув	Мулкка монолит, бўлинмас нуқтаи назардан ёндашиш устун	Хусусий мулк ва унинг афзаллигига диққат қаратилади.	Мулк ҳуқуқи дастасининг бўлиниши туфайли турли мулк шакллари ва уларнинг тенглиги эътироф этилади. Ҳўжалик юритишнинг ташкилий шаклининг асоси сифатида кўрилади.	Мулк ҳуқуқи дастаси давлат билан ҳўжалик юритувчи субъектлар уртасида тақсимланган. Энг муҳими ишлаб чиқариш натижаси уларга тегишли. Қолдиқ даромадга эгалик қилади. «Зонтик» шартномалар тузиш ва бошқа ҳуқуқларга эга
Трансакцион харажатлар	Эътиборга олинмаган	Диққат қаратилмайди	Трансакцион харажатларга алоҳида диққат қаратилади. Ҳўжалик юритиш шаклини танлашнинг асосий мезонларидан бири сифатида кўрилади	Қишлоқ ҳўжалигининг, унда бажариладиган меҳнат натижасининг ўзига хослиги трансакцион харажатларга алоҳида диққат қаратишни талаб қилади.
Иқтисодий назарий жиҳатдан ўрганишда инсон модели	«homo economicus» - «ўз манфаатларини кўзловчи одам»	«homo economicus» «иқтисодий фикрловчи», рационал қарор қабул қилувчи одам.	Билим, малака, ахборотлар етишмаслиги туфайли «норационал» - қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган инсон	Қишлоқда иқтисодий, ижтимоий муносабатлар марказида турувчи, аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш кўришга ҳаракат қилувчи, расмий ва норасмий институтлар, жамиятнинг маданияти, психологияси, мафураси-ни ўзида мужассамлаштирган, лекин билим, малака, ахборотлар, маблағ етишмаслиги туфайли «норационал» - қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган инсон
Самарадорликни таъминлаш омиллари	Меҳнат тақсимотини чуқурлашуви	Ресурсларнинг оптимал уйғунлашуви	Оптимал даражага эришишда институтларнинг роли	Оптимал даражага эришишда институтлар ва табиатнинг роли
Асосий диққат қаратилади	Таклифга	Талаб, кўшимча жалб этилган ресурслар натижасига	Натижавий кўрсаткичларга ларга эришишга институтларнинг таъсири	Аграр соҳанинг ўзига хослиги. Натижага институтларнинг, табиатнинг, «кундалик асос»нинг таъсири.

амал қилишида психологик қонунларнинг катта роль ўйнаши, аграр секторда эса унинг аҳамияти янада ортиши, шунинг учун аждодларимизнинг фарзандларга ёшлиқдан она ерга муҳаббат, исроф қилмаслик, зарур пайтда бир-бирига ёрдам бериш анъаналарини дилига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Бу айниқса, бозор иқтисодиётига хос «ўзинг учун ўл етим» психологияси кучайиб бораётган пайтда алоҳида аҳамиятга эга. Демак, иқтисодий қонунлар амал қилишига психологик қонунлар, инсонларнинг иқтисодий фикрлаш тарзи катта таъсир ўтказиши. Уни ўрганиш учун алоҳида тадқиқот олиб бориш керак.

Қишлоқ хўжалигида бўлса бундан ташқари табиат қонунлари алоҳида аҳамиятга эга ва улар бир-бири билан чирмашиб кетади ва амал қилади. Демак, аграр соҳада қарор қабул қилиш учун деҳқон қишлоқ хўжалигининг ана шу хусусиятларига алоҳида эътибор бериши, бунинг учун етарли

даражада билим ва тажрибага эга бўлиши талаб этилади.

Таклиф этилган концептуал жадвалдан Ўзбекистон Республикасида кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда мувофиқ равишда институционал ўзгаришларни амалга оширишда уларни ҳисобга олишга йўналтиради, ислохотларнинг назарий жихатдан таъминланишига асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Иқтисодий назарияни ўқиш жараёнида фойдаланиш талабаларни таҳлил қилиш мезонлари ишлаб чиқиш, таққослаш, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишга ўргатади, амалиётда эса.

Норационал қарорлар қабул қилмаслик учун билим, малака, юқори даражада профессионал компетенцияга, зарур ахборотларга эга бўлишни таъминлаш учун чора-тадбирлар кўришга йўналтиради.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: «Ўзбекистон», 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: «Ўзбекистон», 2017.
3. Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение THESIS. - М.: 1993, т. I, вып. 1. -С. 24-40.
4. Бьюкенен Дж. Избранные труды. Серия: «Нобелевские лауреаты по экономике». Т. I. - М.: «Таурис Альфа», 1997. -С. 23.
5. Борисов Е.Ф. Экономическая теория. Учебник (2-е издание). - М.: «Проспект», 2011.
6. Нестеренко А. М. Экономика и институциональная теория. / Отв. ред. акад. Л.И. Абалкин. - М.: Эдиториал УРСС, 2002. -С. 352.
7. Нуреев Р.М. Критика базовых предпосылок современных макроэкономических теорий. // Институциональная трансформация экономики: российский вектор новой индустриализации: материалы IV Международной научной конференции. Омск. Издательство ОГУ, 2015. -С. 13.
8. Тожибоева Д. Трансакцион харажатлар, уларнинг таркиби, тутган ўрни ва хўжалик юритиш самарадорлиги. // «Молия», 2012, 1-сон. -63-68-б.
9. Тожибоева Д. Самарадорлик ва унга неоинституционал ёндашув. // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. 2018, 2-сон. www.interfinance.uz
10. Тожибоева Д. Неоинституционализм, унинг замонавий иқтисодиёт назариясида тутган ўрни ва келажаги. // «Молия», 2017, 4-сон.
11. Ходжсон Дж. Эволюционная и институциональная экономика как новый Мэйнстрим. // Экономический вестник Ростовского государственного университета, 2008, Т.6. - №2.
12. Уильямсон О. Экономические институты капитализма. - СПб.: «Лениздат», 1996.
13. Фуруботн Э. Г., Рихтер Р. Институты и экономическая теория: Достижения новой институциональной экономической теории. / Пер. с англ. под ред. В.С.Катькало, Н.П.Дроздовой. — СПб.: Издат. дом Санкт-Петербур. гос. ун-та, 2005.